Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

29 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 147 (642). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

КЕЧА АЛМАТИ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БОШЛАНДИ

Унинг асосий мақсади етилган иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлларини белгилаб олишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июль куни Қозоғистон Республикасининг пойтахти Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президентнн Республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, ташқи ишлар вазири С. Сандқосимов кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

Алмати, 28 июль. ЎзА махсус мухбири Л. Левин телефон орқали хабар қилади: бугун Қозоғистон пойтахти бу ерга амалий ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни самимий кутиб олди.

Икки президентнинг бу учрашуви ҳақида май ойида Нурсултон Назарбоев Тошкентга борган вақтда келишиб олинган эди. Учрашувнинг асосий вазифаси — етилган иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлларини белгилаб олишдир.

Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволига жавобан бундай деди:

— Қозоғистон билан Ўзбекистон азалий яхши қўшни ва ҳамкорлардир. Минтақадаги икки йирик мустақил давлатнинг ҳозирги ўтиш давридаги мақсадлари бир хил. Биз республикаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга тааллуқли ҳужжатларни имзоламоқчимиз. Иқтисодиётни бирлаштириш муаммоларини муфассал кўриб чиқишимиз, республикаларимизнинг жуда улкан салоҳиятларидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланишни ўйлаб кўриш зарур. Табиат ресурслари, мавжуд моддий-техника, саноат имкониятлари шулар жумласидандир.

Икки давлат бошлиқларининг Алматидаги учрашувидан олдин мутахассислар гуруҳи ишлади. Мутахассислар кўриб чиққан муҳим масалалар орасида Ўзбекистонга Қозоғистон донини етказиб бериш масаласи ҳам бор эди. Учрашувда бу хусусда қандай қарор қабул қилиниши кейинроқ маълум бўлади. Аммо, республикамизга Қозоғистон ғалласи келтирилишига умид қилса бўлади. Чунки мутахассислар ғалланн океан ортидан келтиргандан кўра, қўшнилардан сотиб олиш яхшироқ, дейишмоқда.

Нурсултон Назарбоевнинг фикри билан танишинг:

— Марказий Осиё минтақасидаги умумий вазнят кўп жиҳатдан Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг тутган йўлига боғлиқлиги сир эмас. Россияда пулни алмаштириш билан боғлиқ пала-партишликлар бизни ҳам ташвишга солаётганлиги табиийдир. Ҳозирча биз рубль зонасида эканмиз, бундай вазиятда умумий стратегияни ишлаб чиқишимиз, бу масалада бир хил иш тутишимиз зарур. Республикаларимиз Россия билан муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдордир. Лекин бу муносабатларни янги, тағин ҳам адолатли негизга қурадиган пайт келди. Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли бирлашувнн чуқурлаштириш тўғрисида гапирадиган бўлсак, иқтисодиётни бирлаштириш жуда зарур ва уни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Президент Ислом Каримов билаи мен Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги ҳозирги аҳволни эътиборсиз қолдира олмаймиз: давлатларимизнинг манфаатлари, халқларимиз хавфсизлигини таъминлаш бу соҳада ҳам ягона ёндашувни, муштарак қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Шу куни икки давлат бошлиқлари ўртасида музокара бошланди. Музокара Қозоғистон Президентининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида ўтмоқда.



Шу кунларда Аму қирғоғида жойлашган Хоразм вилояти пахтакорлари далаларда ғайрат билан меҳнат қилишаётир. Мўл ҳосил етиштириш иштиёқида ёнаётган Янгибозор тумани деҳқонлари ғўзаларга комплекс ишлов бериш, саротон сувига мириқтириб суғориш, озиқлантириш каби ишларни кўнгилдагидек олиб бормоқдалар. Далаларда ҳосилнинг чўғи ёмон эмас, ғўзалар ёппасига гуллаган, нум сеяни осмонга бўй чўзишмоқда.

Туманнинг Ҳамза номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 935 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олиш ниятида меҳнат қилаётирлар. Шу кунларда далаларда 25 дона культиватор унум билан ишламоқда.

— Бу йилги йиғим-терим мавсумига қизғин тайёргарлик кўраётирмиз, — дейди хўжалик раиси Аминбой Урозов, — Чунки мустақиллигимизнинг ниқи йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибмиз. Биз пахтакорлар ҳам ғўза парваришини тезлаштириб теримни эртароқ бошлаш ниятидамиз. Бу йил республикамизнинг улкан хирмонига 2 минг 650 тонналик қимматбаҳо хом ашё билан ўз улушимизни қўшиш ниятидамиз.

Ҳа, Хоразм деҳқонларининг бу йилги ниятлари холис, режалари аниқ, у ҳам бўлса, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

УНУТ ҚУШИҚЛАР ЯНГРАЙДИ

НУКУС. Қорақалпоғистонликлар Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини байрам қилишга тараддуд кўришаялти.

ШАҲАР ва қишлоқларда истироҳат боғларини, майдонларни, кўчаларни, уй-жой даҳаларини ободонлаштириш, таъмирлаш тартибга келтириш авжида. Театр намоёндалари репертуарларини қайта кўриб чиқишди. Концерт дастурларига унутиб юборилган қўшиқлар ва куйлар киритилди.

ЧЕТДАН КЕЛТИРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

СИРДАРЁ. Электр тармоқлари корхонаси, қошида очилган янги цехда 30 турдан ортиқ халқ истеъмоли моллари тайёрланаяпти.

ҲАР ХИЛ чинни буюмлар, автомобиллар радиатори, телеантенналар, рўзғорда ишлатиладиган электр асбоб-ускуналар харидоргир чиқиб қолди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу маҳсулотлар давлат корхоналарининкидан қолишмайди. Нархи ҳам 30-40 фоиз арзон. Муҳими — ўзимизда тайёрланаяпти. Энди четдан келтиришга ҳожат йўқ.

ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ ШАХОБЧАЛАРИ БУШ ТУРМАЙДИ



Тошкент шаҳри яқинида нефть маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш омбори ишга туширилди.

У Киев олимлари лойиҳаси асосида бир ярим йил ичида «Ўзпромгражданстрой» қурилиш бошқармасининг 4-махсус трести қурувчилари томонидан қуриб битказилди.

СУРАТДА: нефть омборининг кўриниши.

ТЕМИР-ТЕРСАК БЕРИБ, МЕТАЛЛ ОЛИШЯПТИ

ИЛГАРИ кўпчилик қайрилиб қарамайдиган ташландиқ темир-терсаклар бугунга келиб асқотиб қолди.

БЕКОБОД металлургиари Тошкент агрегат заводига 300 тоннадан зиёд прокат ажратди. Чунки, агрегатчилар металлургларга анчагина темир-терсак йиғиб жўнатган эдилар.

Бундай ҳамкорлик ҳар икки томон учун фойдали: агрегат заводи зарур миқдорда прокат оларпти. Металлурглар эса темир-терсакларнинг нархи ошган пайтда тайёр маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилишаяпти.

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Қўриқ Комсомолобод туманида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринлари барпо этишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Масалан, шу мақсадда нон комбинати қошида макарон цехи фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: Макарон цехи технологчиси Адхам ҳожи Мирзаев ва Абдужалил Абдураҳмоновлар тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

«ЗАРДЎЗ» ХОРИЖНИ КЎЗЛАЯПТИ

БУХОРО зардўзлик фабрикаси хусусийлаштирилиб, қимматбаҳо корхонасига айлантирилди.

ФАБРИКА жамоаси корхонанинг тенг ҳуқуқли эгасига айлангач, манфаатдорлик кучайиб, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтиришга киришилди. «Зардўз» Япония, АҚШ, Олмония каби йирик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш ғарадудида.

ВОҚЕАЛАР

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: ИЛК САМАРАЛАР

Илгари хабар қилинганидек, 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорацна ва уюшмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда асосан иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳамда республика халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокама қилинди.

Республика Бош вазири А. Муталов йиғилишни очиб, жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кўриш, ташқи иқтисодий фаолиятда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари давом эттирилганини таъкидлади. Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда ишлаб чиқаришдаги барқарорликка эътибор қаратилди. Натижада 1992 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши 9,6 фоизни ташкил этган бўлса, шу йил биринчи ярим йиллигида 3,3 фоиз бўлди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, деди Бош вазир, ўтган йилдагига нисбатан 106, нафть — 117, газ — 104 фоизни ташкил этди. Кўплаб янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лекин халқ хўжалигидаги аҳвол ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Хусусан, 140 саноат корхонасидан 74 тасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми пасайтирилган. Мавжуд қўшма корхоналардан 20 фоизи маҳсулот ишлаб чиқаради, холос. Кимё ва қурилиш материаллари саноатидаги аҳвол айниқса ташвишлидир. Сирдарё, Тошкент вилоятларида ислоҳотнинг амалга оширилишини ўрганиш ҳам шундан далолат беради.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев, «Ўздавкимёсаноат» раиси М. Мирхўжаев, Сирдарё вилояти ҳокими Б. Маҳмудов, «Ўзқурилишматериаллари» концерни раиси И. Искандаровнинг қисоботлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг шу йил биринчи ярмидаги иш якунларини муҳокама қилар эканмиз, деди Президент, қуйидаги жиҳатларга алоҳида аҳамият бермоғимиз керак. Биринчидан, мустақил давлатимизнинг олдига қўйган мақсади — иқтисодий ислоҳотлар натижасида халқ хўжалиги тармоқларини бозор иқтисодиётига ўтказиш борасидаги амалга оширилаётган ишларга баҳо бериш. Иккинчидан, ана шу ислоҳотларнинг таъминотда, халқ турмушини яхшилашдаги дастлабки натижалари нималардан иборат? Учинчидан, аҳоли эҳтиёжини қондириш, уни иш билан таъминлаш — ишлаб даромад топиши учун шарт-шароит яратиш борасида нималар қилинмоқда? Тўртинчидан, ана шу иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги дастлабки тажрибалардан хулоса чиқариш, бунда вилоят ва халқ хўжалиги тармоқларининг раҳбарлари қандай ўрин тутаётгани хусусида фикрлашиб олиш зарур, деб ўйлайман.

Иқтисодий ислоҳотдан мақсадимиз нима? Буни ким қандай тушунади? Биз аввало шуни аниқлаб олишимиз керак.

Мақсад — республика халқ хўжалиги тармоқларини бозор иқтисодиёти шароитига ўтказиб, четдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб Ўзбекистоннинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришмоқдир. Бу эзгу мақсад йўлида нималар қилинди? Қандай ижобий ўзгаришлар бор?

(Давоми 3-бетда).

Мустақиллик — ТАҚДИРИМИЗДА

БИЗНИНГ АНКЕТА

1. Истиқлол Сизнинг тақдирингизда қандай аҳамият касб этмоқда?

2. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссангиздан кўнглингиз тўладими?

3. Ўзбекистоннинг келажагини қандай орзу қиласиз?

Самад ВОЗОРОВ — Навоий вилояти, Навоий районидаги «Нарпай» давлат хўжалиги бўлим бошлиғи.



1. Истиқлол, энг аввало, умуммиллий тақдиримизга дахлдор бўлган улкан тарихий воқеа бўлганлигини алоҳида эътироф этмоқчиман. Ўзбек халқи мустақиллик туфайли улуғвор маданий-маънавий бойликларнинг ҳақиқий соҳибига айланиши билан бир қаторда, пахтаю пилласига ҳам ўзи эгалик қила бошлади.

Юртимиз озодлиги туфайли одамларнинг туғилиб ўсган жойига, касби-корига, оиласи ва атрофдаги ҳамкасб-ҳамкорларию ёру биродарларига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Қарам инсонда эгалик туйғуси бўлмайди, деган гап минг бор ҳақиқат экаи. Эндиликда халқимиз ким учун, нима учуи меҳнат қилмоқда — аниқ билади. Зеро, мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан истиқболи учун қайғуриш инсоннинг ўз-ўзини танишидан бошланади. Ўзини англаган одам юртининг чинакам фидойиси бўлади. Бугунги кунда тақдиримиздаги энг аҳамиятли жиҳат худди шу нарсада деб ўйлайман.

2. Дунёдаги жамики эзгуликлар, тараққиётлар, инсоний бахт-саодат меҳнат орқасидан келган. Ва худди шундай: бор кабоҳату кулфатлар ишёқмаслик, танбаллик туфайлидир. Бугун Ватан, мустақиллик ҳақида ортиқча ҳис-ҳаяжон билан гапириш вақти ўтди. Эндиликда мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз ўз иш жойимизда тер тўкиб меҳнат қилмоғимиз керак.

Президентимиз Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлганида, яқин келажакда қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириш вазифасини қўйдилар. Пахта билан бир қаторда дон, сабзавот, полиз ва боғларни кўпайтириш, қишлоқларда қайта ишловчи кичик корхоналар қуриш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мустақиллик йўлидаги асосий юмушимиздир.

3. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида ватанимизнинг нурли тақдири аниқ дастур билан асослаб берилди. Мамлакатимизда ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилаётган ишларни, халқимиз ва юртбошимиз бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилаётганлигини кўриб, бу ватан — буюк истиқболга, бу одамлар — бахтли келажакка мутлақо сазовордир, деб ўйлаб қоласан киши. Оққан дарё оқмай қолмас деганларидек, бир пайтлар жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган қўҳна диёримиз, келажакда яна шундай шуҳрат қозонишига ҳеч шак-шубҳа йўқдир.

Таълим йўлида порлаган адолат қуёши

ДАВРА СУҲБАТИ



Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида республикамиз олий ўқув юртлари ректорлари, мутасадди вазирликларнинг раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, таълим соҳасида бораётган ислоҳотлар, абитуриентлар қабул қилишдаги янги услублар, дастурий вазифалар ҳақида фикр юритди.

Бир-неча кундан сўнг мамлакатимизнинг барча олий ўқув даргоҳларида тест синовлари бошланади. Шу боис таҳририятимиз юқорида тилга олинган учрашув қатнашчилари бўлмиш бир гуруҳ ректорлар ва олимлар иштирокида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғин талаб ва йўналишлари асосида тест синовларига бағишланган давра суҳбатини ўтказди.

Давра суҳбати иштирокчилари фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг иккинчи саҳифасида танишишингиз мумкин.

Давра суҳбати

ТАЪЛИМ ЙЎЛИДА ПОРЛАГАН АДОЛАТ ҚУЁШИ

Ўзбекистонимиз истиқлолн икки йиллиги арафасида республикамиз Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида олий таълим тизимини янгилаш, абитуриентлардан имтиҳон олиш ва тест синовларини такомиллаштириш, халқ таълими соҳасида ислоҳотларни янада кучайтириш хусусида шу соҳа мутасаддилари, олий ўқув юртлари ректорлари иштирокида ўтган йиғилиш мустақил давлатимиз таълим сиёсатининг келажакдаги истиқболини белгилашда жуда катта ўрин тутди.

«Халқ сўзи» газетаси таҳририяти ушбу масалани атрофлича муҳокама қилиб, бу борада олиб борилаётган ишлар, ижобий ўзгаришлар ва айрим муаммолар ҳақида сўз юритиш учун юқорида эслатилган учрашув қатнашчиларидан бир гуруҳини давра суҳбатига таклиф этди.

Мазкур суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Жўра АБДУЛЛАЕВ, Тошкент давлат университети ректори, академик, Ўзбекистон халқ депутати Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Андижон давлат университети ректори, ЎзФА мухбир-аъзоси Акмал ҚОСИМОВ, Тошкент автомобиль транспорти йўллари институти ректори, профессор, Ўзбекистон халқ депутати Салим ПУЛАТОВ, 2-Тошкент давлат тиббиёт институти ректори, профессор Ҳомид КАРИМОВ, Ўзбекистон Президенти девонининг масъул ходими, республика Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси Бакир ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар ЖЎРАБОЕВ қатнашишди.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: — Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида ректорлар билан ўтказган учрашуви, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, катта тарихий воқеа бўлди. Чунки ватанимиз, миллатимиз тақдири, истиқболи таълим-тарбиянинг қай даражада ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир. Барча тараққий этган мамлакатлар тажрибаси ҳар қандай иқтисодий юксалиш асоси фан ва таълим ислоҳотига боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Германия ва Япониянинг юксак даражадаги ривожига сабаб мактаб ва олий ўқув юртларида мутахассис кадрлар тайёрлаш иши давлат миқёсига кўтарилганлигидадир. Шу боис бугунги давра суҳбатимизда таълим, фан соҳасидаги ижобий ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар хусусида очиқ-ойдин баҳс-мунозара юритсак. Сизлар, республикамизда етакчи олий билим даргоҳларига раҳбарлик қиласизлар. Сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни эшитиш, улардан жамоатчилик ва газетхонларни хабардор қилиш ниҳоятда муҳимдир. Иккинчидан, тест усулининг афзалликлари ҳақида ҳам сўз юритиб, одамларда адолатга бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш лозим. Тағин бир масала: бизнинг тест усулимиз, йўлимиз бошқаларникидан қайси жиҳатлари билан фарқланишини кўп минг сонли муштарийларимизга маълум қилсак.

Жўра АБДУЛЛАЕВ: — Ҳақиқатдан ҳам 15 июлда муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг олий ўқув юртлари ректорлари билан бўлган учрашуви республикамизда олий таълимнинг ривожига катта асос бўлади. Чунки, ўша учрашувда юртимиз мустақилликка чиққандан буён ўтган икки йил ичида олий таълим соҳасида қилинган ишлар, ижтимоий фанларнинг бугунги аҳволи ҳамда уларнинг келгуси равнақи хусусида сўз борди. Мазкур йиғинда Президентимиз бизнинг олдимизга бир қанча, узоқни кўзланган масалаларни ҳал этиш вазифасини қўйдилар. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, келгусида бу юмушларни амалга ошира бориб, олий таълим тизимимизни жаҳондаги энг тараққий этган давлатларнинг таълим тизими билан тенглаштирамиз.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимизнинг, келгуси авлоднинг бахтига — мустақиллигимизга асос солинган вақтдан бошлаб халқ таълими ва олий таълим бўйича ҳам жуда кўп хайрли ишлар амалга оширила бошланди. Айниқса, фан-техника, технология ва тараққиётни бир текисда ривожлантириш масаласининг кун тартибига қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги вақтларда ёшларни ҳамда бўлажак мутахассисларни тарбиялашнинг самарали усулларини яратиш муаммоси кўтарилмоқда. Шунингдек, кейинги икки йил ичида узлуксиз таълимни йўлга қўйиш дастури тайёрланди. Таълимнинг магистр ва бакалаврлар тайёрлашга ихтисослашган янги концепцияси ишлаб чиқилди.

Абитурентларни олий ўқув юртларига қабул қилишда одиллик ва холисликни қарор топтириш ҳамда уларнинг энг билимдонларини саралаб олиш мақсадида кириш имтиҳонлари тест синовлари билан алмаштирилди. Вултур илк тажриба сифатида 19 та олий ўқув юртида қўлланилган ушбу усул яхши самара берди. Буни ҳамма тан олди. Ҳатто, қнлдан қийиқ ахтаришга уста «Комсомольская правда» газетаси ҳам ўз саҳифаларида бу тажриба натижаларини юқори баҳолаган эди. Хуллас, дастлабки қадам кутилганидан ҳам муваффақиятли кечди. Ўтган йилнинг декабрь ойида эса республика Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистондаги барча олий ўқув даргоҳларида кириш имтиҳонларини тест синовлари асосида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Натижада тест имтиҳонларини ўтказиш қонунийлаштирилиб, у таълим тизими ўз умрини яшаб бўлган эди. Мен ўзим раҳбарлик қилаётган институт мисолида гапирадиган бўлсам, тест синовлари орқали қабулни амалга ошириш натижасида талабалар таркиби сифат жиҳатидан ҳар томонлама яхшиланди. 1992 йили 11 кафедра, ўтган ўқув йилида барча кафедралар рейтинг-назоратини қўллаб жорий имтиҳонларнн тест усулида қабул қилишди. Янги ўқув йилида тест марказини ташкил этиш, жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди.

Аввалари имтиҳондан ўта олмаган талаба икки уч кундан сўнг синовни қайта топширар эди. Мен бир нарсага ҳайрон қоламан. Ахир, олти ой муддат ичида ҳеч вақонн ўзлаштира олмаган ўша талаба икки кун ичида нимани билиб олади? Энди институтимизда тест синовларини қайта топшириш муддатини бир ярим ой қилиб белгилаб қўйдик. Шу вақт ичида талаба қўшимча услубий ёрдам олади, ўқитувчи ҳузурига



Ж. АБДУЛЛАЕВ,



Т. ЖЎРАЕВ,



С. ПУЛАТОВ,



А. ҚОСИМОВ,



Б. ЗАРИПОВ,



Ҳ. КАРИМОВ,

ИЛМ-ЗИЁ САЛОҲИЯТИ, БУ — ХАЛҚНИНГ, ВАТАННИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ, КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИДИР. УНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, ЕТУК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ДАВЛАТ ИМКОНИ БУЛГАН ҲАММА ИШНИ ҚИЛАДИ, ҲЕЧ НАРСАНИ АЯМАЙДИ.

Ислом КАРИМОВ.

ва тест марказига консультацияга қатнайди.

Юқорида айтилганидек, тест синов усули ҳам республикамизнинг ижтимоий-сиёсий йўлига ўхшаш ўзига хос бўлиши керак. Шу боис бизда тест синовларнии такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар яқин орада ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Бўлиб ўтган кенгашда жавоб варақаларида абитуриентларнинг исми-фамилияси кўрсатилиши керакми-йўқми, деган масала ҳам кўтарилди. Тест варақаларидаги жавоблар фақат нуқтадан иборат бўлганлиги учун фамилия, исм қўйилиши керак. Чунки ҳозир абитурентлар ўзларининг ўрнларига бошқа бнлимдон болаларни тест синовига киритиши эҳтимолдан холи эмас. Бу нарсага йўл қўймаслик учун ўқувчн албатта дастхатини қолдириши керак. Ўтган йили бир талаба тестдан ниҳоятда юқори балл олди. Аммо ўқиш давомида билими пастлиги яққол кўринib қолди. Шу боис уни талабалар сафидан чиқаришга тўғри келди.

Бултурги тажриба яна шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар тўплаган баллар ҳар бир фандан ҳар хил бўлиб қолмоқда. Болалар фақат ўзлари яхши билган фанга бор диққат-эътиборларини қаратмоқдалар. Баъзи абитуриентлар она тилидан қўйилган саволларга қарийб жавоб қайтармаяптилар. Чунки она тнлига математикага нисбатан уч баробар паст балл қўйилади. Яна бир таклифим шуки, тест синовларинн икки даврада ўтказиш керак. Биринчи босқич февраль—март ойларида ўтказилиб, умумий савия аннқланса-да, сўнг юқори балл олганлар ичидан тегишли соҳалар бўйича ўқувчилар танлаб олинса. Шунда абитуриентлар сонн камайиб, синовлар анча сифатли бўларди. Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан яна бири республикамиз халқ хўжалигининг мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқ белгилаб, режалаштириб олишдан иборат. Вилоятларда барча соҳалар бўйича кадрларга эҳтиёжни ўрганиш масаласига умуман эътибор камайиб кетган. Ҳозир ўқишга қабул қилнш, ўқнш-ўқитиш ва тарбия жараёнларига ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Талабалар ўқишни тугатгандан сўнг қаерда ва ким бўлиб ншлайди — бу ҳақда ҳам кўпроқ қайғуришимиз лозим. Ҳозирданоқ ҳар бнр талаба бўлғуси нш жойинн аниқ билиши керак. Вилоятлар ҳокимликларида қайси шаҳарда қайси соҳа бўйича қанча талаба таҳсил олаётганини яхши билишмайди.

Акмал ҚОСИМОВ: — Тўхтамурод Жўраев юқорида жуда тўғри таъкидлаб ўтдилар. Журналистнка факультетига талантли ёшларни қабул қилиш ҳозирча муаммо бўлиб турибди. Эътибор берниг-а, мактабда ўн йил ўқиб, тузукроқ нарса ёза олмаган баъзи ёшлар... ҳатто марказий газеталарда мақолалар чиқараяпти. Бунн қандай тушуниш мумкин? Улар бнр амаллаб ўқишга ҳам кирнб олишади. Натижада эса саводсиз журналистлар кўпаяди. Ана шундай ёшлардан бнр қанчаснинг иншолари текширнлиб кўрилганда, аксарияти ниҳоятда сийқа усулда ёзилганлнги маълум бўлди. Келгусида шуларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Албатта, уларнинг ичида ҳам келгусида иқтидорли журналист бўлнб етишадиган ёшлар бордир. Аммо барибир манжуд камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди.

Лекин биз фақатгина қабулни такомиллаштириш билан чекланиб қолмай, ўқитишнинг снфатига ҳам жиддий эътибор беришимиз лозим. Шуни тан олишимиз керакки, кўпчилик профессор-ўқитувчиларимизда жавобгарлик ҳисси йўқолган. Фақат номигагина талабаларга дарс ўтиб, маошларини олиб туришса, шунинг ўзи кифоя уларга. Талабаларнинг билимларини баҳолашда ҳам лоқайдлик

А. ҚОСИМОВ,

Б. ЗАРИПОВ,

Ҳ. КАРИМОВ,

ИЛМ-ЗИЁ САЛОҲИЯТИ, БУ — ХАЛҚНИНГ, ВАТАННИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ, КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИДИР. УНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, ЕТУК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ДАВЛАТ ИМКОНИ БУЛГАН ҲАММА ИШНИ ҚИЛАДИ, ҲЕЧ НАРСАНИ АЯМАЙДИ.

Ислом КАРИМОВ.

лиш, уни оптимал даражага етказишимиз қийин. Мана, мисол тарнқасида Туркияни олайлик. У ерда 1974 йилдан буён тест усули қўлланиб келаётган бўлса-да, аммо у ҳамон такомиллаштирилиб борилмоқда.

Акмал ҚОСИМОВ: — 15 июль куни Президентимизнинг олий ўқув юртлари ректорлари билан учрашуви биз — знёлнлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йиғин бўлдн. Ўша ерда ўтирганнмда бир нарса ёдимга тушдн. Эллигинчи йили Америкада таълим соҳасини юксалтирнш учун махсус дастур қабул қилинган эди. Америкаликлар олий таълимни ривожлантирмасдан тараққиётга эришиб бўлмайди, деган хулосага келишган. Президент Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатларини ана шунга менгзаш мумкин. Дарҳақиқат, таълим соҳасини энг юқори поғоналарга олиб чиқмай туриб, бўлажак мутахассисларни чуқур билимдон қилиб тарбияламасдан туриб мамлакат тараққиётнга эришиб бўлмайдн. Бу нарса бугунги кунда биз учун айниқса муҳимдир.

Ўтган ўқув йилида бизнинг дорилфунунда ҳам абнтуриентлар тест орқали қабул қилинган эди. Бу янги усул натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи курс талабалари қишки ва ёзги имтиҳонларни топшириш жараёнда юқорн кўрсаткнчга эришишган. Уларнинг билим даражаси аввалгн 30—35 фоизни ташкил этган бўлса, янги усулнинг самараси ўлароқ, 80—85 фоизгача кўтарилган.

Бу йил биз тест синови бўйича давлат комиссияси томонндан тавсия этилган низомга мувофиқ кўплаб тадбирларни амалга оширдик. Йил давомида ота-оналар, ўқувчилар ва жамоатчилик ўртасида тестнинг афзалликлари, қонун-қоидалари, тўғрисида тушунтирнш ишларини олнб бордик. Университетда эса ёшларни тест синовларига тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этнлди. Натижалар ёмон бўлмади. Ҳозир ҳар бир ўринга ўрта ҳисобда учтадан абитуриент даъвогар бўлиб турибди. Бу эса уларнинг орасндан энг истеъдодлиларнни танлаб олиш имконини беради, албатта.

Мени қувоитиргани шундаки, олий даргоҳимизга ариза топшираётган абитуриентларнинг саксон фоизи репититорлар ёрдамида синовларга тайёрланишмоқда. Демак, ота-оналар ўз фарзандларнннг чинакам билим олишлари учун зарур шароитларни яратиб бера бошлабди. Улар олий ўқув юртларнга талабалар қабул қилншда ҳам адолат ўрнатилганлигига ишонч ҳосил қнлншди.

Мен бир олим сифатида шунга аминманки, республикамизнинг келажаги учун шундай муҳим ишларни амалга ошираётган Президентимиз номи ўзбек халқи тарихида республикамиз мустақиллигн билан ёнма-ён туриши шубҳасиздир.

Ҳомид КАРИМОВ: — Маълумки, узоқ йиллар давомида биздаги таълим тизимида кўпроқ масаланинг моддий-техникавий томонларига ўқув-услубий, нечта бўлимларга бўлинган. Масалан, геология факультети тўртта пуруҳга ажратиб қўйилган. Унга жами 50 нафар талаба қабул қнлнниши керак. Бу ердаги мантиқсизликни қарангки, бир гуруҳда анча паст балл тўплаган абитуриентлар ҳам танловдан бемалол ўтиб кетадн. Чунки, имтиҳон топширганлар гуруҳларга ажратилган ўринларга нисбатан унча кўп бўлмаслиги мумкин, аммо бошқа гуруҳда эса даъвогарлар кўплиги сабабли анча юқори баллга эга бўлганлар ҳам университетга кира олмай қолади. Албатта, бунинг турган-битгани адолатсизлик. Ушбу масалада анча-мунча гап-сўзлар бўлди. Қисқаси, бу муаммо ҳам тезда ҳал этилиши керак.

Жўра АБДУЛЛАЕВ: — Тест маркази вазирликка бўйсунмайди. У ўзи мустақил ташкилот...

Тўхтамурод ЖЎРАЕВ: — Талабани Олий таълим вазирлиги олади. Қолаверса, у ерда ушбу масала билан машғул бўлган юзлаб мутахассислар мавжуд. Вазирлар Маҳкамасида эса нари борса, ўнтача одам бу иш билан шуғулланади. Шундай экан, бу борадаги вазифалар асосан вазирлик знммасида бўлиши керак деб ҳисоблайман. Шу ўринда республикамиздаги барча олий ўқув юртлари, Олий таълим вазирлиги қарамоғига ўтказилиши керак, деган таклифнн ҳам айтмоқчиман.

Акмал ҚОСИМОВ: — Кечирасиз, домла, гапингизни бўлдим. Маълумки, қабул низомини олий таълим вазирлиги тайёрлайди. Лекин низомда хато кетса, бунга ким жавоб беради? Менимча мана шу каби масалаларга ҳам ойдинлик киритиш зарур.

Анвар ЖЎРАВОЕВ: — Жўра Абдуллаевич, мана ҳамма институтлар олий таълим вазирлигига бўйсундирилсин, дейилмоқда. Бунга сиз мутахассис сифатида қандай қарайсиз?

Жўра АБДУЛЛАЕВ: — Институтлар ўзларига тегишли вазирликларнинг таъсирўфидадир. Лекин айтилган таклифда ҳам жон бор.

Ҳомид КАРИМОВ: — Шу ўринда қизиқ бир ҳолга эътиборларингизни қаратмоқчиман. Илгарилари бизнинг институтимизда йилига 400-нафар дўхтир тайёрлаб чиқарилган бўлса, шундан 70-80 нафари имтиёзли диплом билан тугатарди. Гуруҳлардаги аълочиларнинг сони ҳам анча кўп эди. Энди эса «аълочилар» ниҳоятда камайиб кетибди. Хўш, нега шундай бўлди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, авваллари уларнинг кўпчилиги баҳони ҳар хил йўллар билан олишган. Институтимизда тест ва рейтинг усули жорий этилгач бу каби нохуш усуллар ҳам ўз-ўзидан барҳам топди.

Биз АҚШ департаментининг Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи билан ҳамкорликда Чикаго шаҳридаги Иллинойз университети билан институтимиз биргаликда амалга оширадиган юмушлар хусусида ўзаро келишиб олдик. Ана шу ҳамкорлик доирасида мазкур университетнинг тест марказн имкониятлари ва тажрибаларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу марказ билан таниша туриб, америкаликларнинг тест соҳасида тўплаган тажрибаларига қойил қолдим. Дарҳақиқат, улардан ҳар қанча ўргансак арзийди.

Яқинда Иллинойз университети тестлар тизими режасининг раҳбари Ара Такиян бир ой давомида институтимизда бўлиб, тест бўйича бир неча бор семинар машғулотлар олиб борди ва қимматли маслаҳатлар берди. Биз ҳам икки нафар ходимимизни уч ой муддатга тажриба ўрганиш учун Америкага юборишни мўлжаллаб турибмиз. Бу эса олий даргоҳимиздаги тестлаштириш тизимларини илмий асосланган шаклга ўтказишда катта самара беради, деган умиддамиз.

Жаҳон тажрибасида уч хнл шаклдаги тест саволларн бўлади. Биринчнси — оддий, бир қарашда жавоб топиш мумкин бўлган саволлар. Иккинчиси — фикрлашга ундовчи саволлар. Ва ниҳоят, учинчиси — тадбиқий, яъни ўйлаб, фикрлаб, мияда ечиладиган саволлар. Ҳозирча бизда бунга унчалик эътибор берилгани йўқ. Ҳеч шубҳа йўқки, келажакда ана шулар ҳам пухта ўрганилиб синовларда жорий қилннади.

Бакир ЗАРИПОВ: — Бугунги давра суҳбатимиз янги-янги фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Тест усулининг афзалликлари ва бу борада ҳали мавжуд бўлган камчиликлар рўй-рост айтилганлигидан хурсандман. Албатта, бу гаплар шу ерда қолиб кетмаслиги лозим. Муаммоларни эса бартараф этиш даркор.

Ҳаммангизга аёнки, интеллектуал бойликни кўпайтириш ёш давлатимиз учун жуда муҳим. Бугунги талаба, эртага ўз соҳасида ишлай бошлаганида савияси, билими юқори бўлса, ишлаб-чиқариш ривожланади, жаҳон саҳнига чиқишимиз тезлашади. Қолаверса, 15 июль куни олий ўқув юртларининг ректорлари билан бўлган учрашувда муҳтарам Президентимиз, «Ректорлар давлат раҳбарининг жойлардаги вакиллари бўлиши керак», дедилар. Бу юксак ишонч улар зиммасига катта масъулият юклаши шубҳасиз.

Назаримда, бир нуфузли комиссия тузиб, олий таълим концепциясини тезроқ ниҳоясига етказиш лозим. Бу бугунги кун талабидир. Ёшларнинг савияси ҳақида ҳам анча-мунча фикрлар айтилди. Дарҳақиқат, яқин яқингача олий ўқув юртларида талабаларнинг савиясига асло эътибор берилмай келинди. Эндиликда эса битирувчи талабалар ва институт, университетлар остонасини ҳатлаган абитуриентларнинг савияларини қатъиққўллик ва синчковлик билан аниқлашимиз лозим. Бу давлат сиёсатига айланмоғи керак.

Биологияда шундай қонун бор. Она ҳайвон ўз боласи учун ҳар нарсага, ҳатто ўлимга ҳам тайёр туради. Она ўсимлик ҳам ёш ниҳолнинг бемалол ўсиши учун ўзини қурбон қилар экан. Биз ҳам фарзандларимиз келажаги учун фидойи бўлишимиз керак.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, соҳаларни ривожлантиришда илғор технология, малакали таълим ва ишлаб чиқариш технологияси жуда зарур. Бугун биз малакали таълим ҳақида сўз юритдик. Шу пайтгача малакали таълим йўқлиги сабабли барча соҳаларда кўплаб чаласавод мутахассислар етиштирилиб келинди. Буларнинг оқибати яхшиликка олиб келмаганлиги ҳаммангизга маълум.

Ва ниҳоят, тест усулининг ҳам ўз йўли бўлиши керак. Ёш, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги олий ўқув юртлари етиштириб берадиган билимдон, етук мутахассисларга боғлиқ.

Жўра АБДУЛЛАЕВ: — Бу ерда билдирилган фикрлар асосида шундай хулоса қилишимиз мумкин: Президентимиз ўтказган кенгаш республикамиз истиқлолини белгилаб берди, таълим фан ва миллий мафкурамиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Яна бир нозик масала борки, бугунги суҳбатдан фойдаланиб, шу ҳақда ҳам икки оғиз сўз юритиш лозим. Айримлар тестнинг ҳам иложини қилса бўлади, бу ерда танни-билиш асосий роль ўйнайди, тестнинг имтиҳондан афзал жиҳати йўқ деб уйдирма гаплар тарқатишмоқда... и

Анвар ЖЎРАБОЕВ: — Кечирасиз, биз газетамизда тест маркази низомини эълон қилганимиздан сўнг ҳам баъзан кўча-кўйда, ҳозир ҳам ўқишга киришда ошна-оғайнигарчилик қилинаяпти, деган гапларни эшитиб қоламиз...

Жўра АБДУЛЛАЕВ: — Бундай фисқи-фасод гапларга матбуот, телевидение орқали чиқишлар қилиб зарба беришимиз керак. Тест-синовида турли жамоат ташкилотлари, ҳокимликлари ва ота-оналар вакиллари иштирок этишини, тест-синовлари варақаларн махсус конвертда муҳрланган ҳолда вакиллар иштирокида очилишини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу йил абитуриентларнинг тест синовларига жавоблари Туркияда эмас, ўзимизда, талаба танлов марказидаги компьютерларда баҳоланади. Шуниям таъкидламоқчиманки, товламачилар баъзи ота-оналардан пул олиб, болангни тестдан мен ўтказдим. дейишга ҳам бориб етиши мумкин. Энг ачинарлиси шундаки, бундай нопок одамлар ҳаром пул олиш билан бир қаторда, бошланган эзгу ишларга доғ туширадилар. Шу боис ҳаммамиз ҳушёр бўлиб, бундай қабиҳликларни ўз вақтида фош этишимиз шарт.

Сўзимнинг охирида бизларни таклиф қилиб давалатимиз ва халқимиз учун ғоятда долзарб бўлган шундай масала атрофида давра суҳбати уюштирган «Халқ сўзи» жамоасига, бош муҳаррирга катта ташаккур изҳор этмоқчиман.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: — Бугунги суҳбат давомида айтилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар тобора анж олаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар жараёнига денгиздан томчидек бир улуш бўлиб қўшилса, барчамиз мамнун бўлардик. Энг муҳими, Ватанимизнинг улкан мустақиллик карвони нурли манзил томон дадил бораётган бир пайтда, бугунгидек давра суҳбатлар зарур деб биламан. Зеро, таълимдаги янгиликлар ва ислоҳотлар тараққиёт гарови эканлигини ҳар биримиз юрак-юракдан сезиб турибмиз. Суҳбатда иштирок этганларингизга учун ҳаммаларингизга ижодий жамоамиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Суҳбатни «Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари

Жалолиддин САФО ва

Ғафур ШЕРМУҲАММАД ёзиб олдилар.

МИННАТДОР ҚАЛБ ИЗҲОРИ

Ширин сўз—жон озиғи

Бшинг бир жойга бориб қолгандан кейин саломатлигинг ҳам хаминқадар бўлиб қолар экан. Яқинда тобим қочиб, пойтахтдаги 2-марказий клиник касалхонасида даволаниб чиқдим. Ҳозирги дори-дармон тақчил бўлиб турган бир пайтда бу ердаги шифокорларнинг жон куйдириб беморларга шифо бахш этаётганидан кўнглим тоғдек ўсди. Мени даволаган врачлар Саида Юсупова ва Назира Болабековаларнинг ширинсуханлигидан нафақат мен каби кекса беморлар, балки ёшлар ҳам роят миннатдор бўлишарди. Бошқаларни билмадиму, мен ана шу меҳрибон шифокорларнинг ширинсўз муомаласи боис дарддан фориғ бўлгандек сездим ўзимни.

Тузалиб чиқиб кетаётганимда шифохона бош врачи Абдумурод Бобожоновнинг ҳузурига кириб уларни дуо қилдим. У жуда хурсанд бўлиб кетди.

Ҳурматли редакция ходимлари! Эл хизматида юрган олийжаноб одамларга биз каби кексаларнинг дуоси саломини етказсаларингиз уларга маънавий далда бўлар эди...

Раҳим ШОКИРОВ,
Улуғ Ватан урушининг II гуруҳ ногирони, 80 ёш.
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИДА

Элликқалъа туманида яшовчи фуқаро Юсуфбой Отажонов ўлкани ўрганиш музейидан қимматбаҳо металлдан эрамиздан олдинги биринчи-иккинчи асрларда зарб этилган танга ўғирлангани ҳақида Узбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу танга бабаҳо тарихий ёдгорлик бўлиб, Узбекистон Республикасининг миллий бойлиги ҳисобланади.

Тергов маълумотларига кўра, танганн «Эрк» демократик партиясининг фаоли ўғирлаб, шу партиянинг раҳбариятига топширган.

Ҳозирги вақтда ўғирланган ёдгорликнинг қеердалиги номаълум.

Жиноятни Тошкент шаҳар прокуратураси текширмоқда.

Иқтисодий ислоҳот: илк самаралар

[Давоми. Боши биринчи бетда].

Шуни таъкидлаш жоизки, бизда бозор иқтисодиётининг пойдевори — давлат тасарруфидан ташқаридаги мулк пайдо бўлди. Бу, табиийки, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу иш уй-жой, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат, савдо соҳаларида жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Фуқароларга томорқа ажратилгани деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилгани ҳам ижобий натижа бера бошлади. Биргина мисол: шу йилнинг биринчи ярмида етиштирилган гўштнинг 68 фонзи хусусий ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Яна бир ижобий хусусият — иқтисодиётни бошқариш усулининг ўзгараётгани, маъмурий-бўйруқбозлик ўрнини ўзўзини бошқариш тамойили эгаллаётганидир.

Республикада тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида махсус банк очилди, алоҳида жамғарма тузилиб, Вазирлар Маҳкамаси мазкур соҳани тараққий эттириш учун 500 миллион сўм маблағ ажратди.

Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Уларнинг сони 800 дан ортади.

Иқтисодий танглиқдан тезроқ чиқиш, етишмаётган молларни ўзимизда ишлаб чиқариш мақсадида капитал қурилишга аҳамият берилмоқда, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда. Шунисн қувончлиси, капитал қурилишига сарфланаётган маблағнинг 63 фонзи корхона ва ташкилотларнинг ишлаб топган сармоясидир.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Собиқ Иттифоқнинг баъзи давлатларидагидек халқни юпун ҳолга тушириб қўймадик. Бизда чиқиндиларни титиб юрадиган гадойлар йўқ, бўлмайди ҳам!

Хуллас, меҳнаткаш халқимиз бор, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш учун шароит бор, бой маданий меросимиз бор, Узбекистонни буюк давлатга айлантиришдек буюк ниятимиз бор, деди Ислом Каримов. Лекин ана шу интилишларимиз, ўтказаётган ислоҳотимиз жойларга етиб бориятпими? У ердаги ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар ислоҳот тарафдорими, йўқми? Тарафдори бўлса, нега бу ишлар сусткашлик билан амалга оширилмоқда?

Мисол тариқасида Сирдарё вилоятини олиб кўрайлик. Бу ерга 287 деҳқон-фермер хўжалиги ҳали иш бошламасдан фаолиятини тўхтатган. Тўғрироғи, шунга мажбур бўлган! Ахир, банкда ҳисоб рақами очиш, кредит олиш, уруғ, техника ажратиш муаммо бўлса, бу йўлда ўнлаб тўсиққа дуч келинса, арзини эшитадиган одам тополмаса нима қилсин? Раҳбарлар қаёққа қараяпти? Боз устига, аҳоли тиғиз бўлган Фарғона водийсида ҳар бир фермерга 20 гектардан ер тўғри келгани ҳолда, Сирдарёда бу кўрсаткич 4,5 гектарни ташкил этади. Нима, Сирдарёда ер камми? 1992 йилда вилоят эҳтиёжига зарур сутининг 52, сариёғнинг 64, картошканинг 79 фоизи четдан келтирилганига нима дейсиз? Ёки Сирдарёда мол боқиб бўлмайдими, картошка битмайдими?

Замон билан ҳамқадам бўламан деган раҳбарнинг вазифаси — одамларга ишлаш, даромад қилиш учун шароит яратиб бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини оширишдир. Акс ҳолда, уларнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтади, эртанги кунга бўлган ишончи сусаяди. Вилоятда ўртача маош ойига 7,5 минг сўмни ташкил этиши одамлар тақдирига бефарқликдан ўзга нарса эмас.

Бундай камчиликлар бошқа кўпгина вилоятларда ҳам учрайди.

Биз хусусийлаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Мана, бир мисол: шахсий хўжаликлардаги ҳар бир сигирдан 2500 килограмм, давлат ва жамоа хўжаликларида эса атиги 960 килограммдан сут соғиб олинади. Шундай экан, Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги ўн бир фермадан фақат биттаси хусусийлаштирилганига нима деса бўлади?

Маълумки, қишлоқ хўжалиги — республика иқтисодиётининг энг кўламли, ҳал қилувчи бўғинидир. Узбекистоннинг тақдири кўп жиҳатдан шу соҳанинг қандай ривожланишига боғлиқ. Шундай экан, жойлардаги раҳбарлар фермаларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришлари, ишбилармонлик, ташаббускорлик йўлидаги ғовларни бартараф этишлари лозим. Ердан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш ва илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишда уларга олимларимиз яқиндан ёрдам бермоқлари даркор.

Бу йил кузда 750 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экилади. Ундан олинадиган ҳосил республиканинг донга эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари 15 минг гектар майдонга Голландия усулида картошка экиш режалаштирилмоқда. Ундан ўрта ҳисобда 450 минг тонна ҳосил олиш мумкин. Бу Россия, Беларусь мамлакатларидан келтирилаётган 400 минг тонна картошка ўрнини қоплайди. Алмашлаб экишни такомиллаштиришда фақат бедага ёпишиб олмасдан ана шу режалар ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги тўсиқлардан яна бири, деди Президент, айрим корхоналарнинг ишлаб чиқаришдаги якка ҳокимлигидир. Хусусан, «Ўздавкимёконцерни»га қарашли корхоналар электр қуввати ва газни давлатдан арзон нархда олганига қарамай, минерал ўғитлар баҳосини осмонга чиқариб, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига зарар етказмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми камайиб бораётир. Афсуски, концерн раҳбарияти танқиддан тўғри хулоса чиқармаяпти. Жиддий чора кўриш пайти келмадимикан?

«Ўзқурилишматериаллари» концернига қарашли ғазалкент ойна заводини олиб кўрайлик. Бу ерда рентабелликни назорат қилиш яхши йўлга қўйилмаганидан фойдаланиб, маҳсулот нархи сунъий равишда ошириляпти. Натижада қурувчилар қийин аҳволга тушиб қолмоқда. Афсуски, бундай корхоналар кўп. Қўрғонтепа ғишт заводининг тўхтаб қолгани ҳам қурилиш ишларига катта зарар етказди. Бу аҳволдан қутулишнинг йўли рақобатни юзага келтириш — кўплаб турдош корхоналар қуришдир.

Яқинда хорижлик меҳмонларни қабул қилдим. Улар суҳбат чоғида: «нимадан хурсандсиз-у, нимадан хафасиз?» деб савол берди. Ўшандаги жавобимни сизларга ҳам айтмоқчиман, деди Ислом Каримов. Мен шундан хурсандманки, аста-секин бўлса-да, жамият, одамлар ўзгаряпти, ишбилармон, тадбиркор, мураккаб муаммоларни еча оладиган янги авлод дунёга келяпти. Бизнинг вазифамиз ана шу ёш авлод қалбига ота-боболаримиздан қолган буюк виқорни, «Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз!» деган ғурур ва ишончни сингдирмоқдир. Ана шу ишонч билан дунёга чиқмоқ, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганмоқ лозим. Ҳозирги даврда хориж билан алоқа қилмаган меҳнат жамоаси ҳеч нарсага эриша олмайди.

Кўнгил тўлмаётган жойга келсак, ўн йиллар давомида миямизга сингиб кетган боқимандалик касалидан қутула олмаётганимиздан таассуф қиламан. Битта мисол келтирай: ҳозир республикада 111 та давлат хўжалиги зарар кўриб ишламоқда. Бундай хўжаликларни тезда давлат тасарруфидан чиқариш, зарар келтираётган, ўзини маблағ билан таъминлай олмаётган корхоналарга қарз беришни тўхтатиш лозим.

Кейинги пайтда ишсизлик муаммоси тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Баъзилар боя айтилган корхоналар ёпилиб қолса, ишсизлар кўпайиб кетади, деган хавотирда юрибди. Аввало, биз янги, аҳоли талабига мос маҳсулот ишлаб чиқарадиган цех, корхоналар қуриб иш ўринларн ташкил этишимиз, имконн борича барчани иш билан таъминлашимиз лозим. Бу юмуш айниқса вазирлик ва вилоят раҳбарларининг диққат-эътиборида туриши, қаерга нима қуришни улар бамаслаҳат ҳал этишлари керак. Қолаверса, давлат ҳеч кимни кўчага ташлаб қўймайди, вақтинча иш тополмаётганларни муҳофазасига олади.

Амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларимизнинг илк самараларини кўрдик, деди Ислом Каримов пировардида, эндиги вазифа уларни собитқадамлик билан давом эттириш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, бартараф этя бориш, энг муҳими — одамларнинг ислоҳотга ишончини сўндирмасликдан иборат. Бу вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорация раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди, уларнинг эски ақида ва одатларидан воз кечиб, замон билан ҳамнафас бўлишларини тақозо этади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

• *Сизга қандай хизмат кўрсатиляпти?*

ОБЛОҚУЛ ТОҒА ШАРТНОМАГА ТУШУНМАПТИ

Шаҳарда соч-соқол олдириш палон пул, дейишади. Эҳтимол, шунинг учун пала-партиш соқол қўяётганлар кўпайиб қолгандир! Туманларда аҳолига маданий маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи қандай экан! Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида биз яқинда Шофирконда бўлдик.

Файзулла Хўжаев номли жамоа номли хўжалиги бош қўрғонидаги сартарошхонанинг деразаю эшиги ланг очиқ. Лекин мижоз ҳам, ҳатто уста Облоқул Жўраев ҳам кўринмайди. Кейин билсак, у оёқ кийими тузатиш дўконида ишловчи йигитча билан суҳбат қуриб ўтирган экан. Биз ҳам даврага қўшилдик.

— Район маиший хизмат кўрсатиш корхонаси билан шартнома тузиб, шу асосда иш юритаяпман, — деди Облоқул тоға. — Лекин шартномада нима ёзилгани менга номаълум. Чунки бу ҳужжат рус тилида ёзилган. Қолаверса, ўша қоғозга қўл қўйганимдан буён корхонадан ҳеч нарса олганим йўқ. Ҳозирча эски асбоб-ускуналарни ишлатиб юрибмиз. Зарур нарсаларнинг ҳаммасини ҳам ўз пулимизга сотиб олаяпмиз.

Ҳа, корхона маъмурияти режа бажарилишини талаб қилишни билади-ю, шартномада белгиланган мажбурият ижросига келганда эса... Пойафзал дўкони устаси Шавкат Ҳакимов ҳам бу борада куйиниб гапирди. Маълум бўлишича, унинг асли касби — ҳайдовчи, устачилик — отамерос. Ойлик режани мунтазам бажариб келмоқда. Аммо чарм, мих ва ҳоказолар билан таъминлаш масаласи маъмуриятни қизиқтирмайди. Устига устак, дўкон ҳалигача хусусийлаштирилмаганлигига нима дейсиз?

Биз иккала устанинг маоши билан қизиқдик. Ҳаминқадар экан.

— Қишлоқда «Соч олганимга унча бер, соқол олганимга бунча бер», дейиш уят, — сўзида давом этди Облоқул тоға. — Қаранг, бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай, одамларимиз андишани, ўзлигини йўқотгани йўқ. Бундай хислатларни қадрлашимиз керак, албатта. Аммо ҳозир 12—13 минг сўм ойлик билан кун кўриб бўладими? Агар биз, усталарга ёрдам берилмаса, устахонани ёпиб қўйишимизга тўғри келади.

Шу жамоа хўжалиги ҳудудидаги кутубхона ва суратхона эшиклари қулф бўлганлиги боис уларнинг иши билан ганишнишнинг имкони бўлмади. Шундан кейин «Гулчеҳра» маиший хизмат кўрсатиш уйига йўл олдик. Бу ерда қизлар сочига оро бераётган Найлихоним Аҳадова:

— Жўмраклардан зўрға сув келади, — деб нолиди.

Суратхона мудири Илҳом Жалилов эса режани бажаролмаётганини айтди. Сабаби — бир ойда корхонага 18 — 19 минг сўм топшириши керак. Буни амалда уддалаб бўлмаётир.

«Ёшлик» маиший хизмат кўрсатиш ижара корхонасида бўлганимизда, оёқ кийими таъмирлаш дўкони бошлиғи Аскар Қиличеннинг фиғони фалакка чиқди.

— Ҳамма ашёларни жуда қимматига сотиб олаяпмиз, — деди у, — одамларга хизматимиз ҳам шунга яраша бўлмоқда. Пойафзалга 4 та мих уриб, унинг баҳосини айтишга ҳижолат бўласан, киши. Чунки бир кило михнинг нархи осмонда.

Наҳотки, михни ўзимизда кўплаб миқдорда ишлаб чиқариб бўлмаса? Халқимизнинг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Биламизки, ҳар бир оилада камида олти-еттитадан фарзанд бор. Улар доимо ҳам янги пойафзал кийишолмайди. Эскисини ямашга эса юқоридаги дўконлар жуда ҳам зарур. Агар усталар «Хом ашё йўқ», дея эшикларини ёпиб қўйишса, аҳволимиз нима кечади?

«Ёшлик» маиший хизмат кўрсатиш ижара корхонасининг раҳбари Бафо Сафаровнинг айтишича, ўша биз борган кун бирорта ҳам буюртма тушмабди.

— Бунинг боиси аҳолига хизматнинг қимматлашганлиги, — деди бошлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, битта шимни тикиш 1250 сўмга тушмоқда. Бунга кўп болали оилаларнинг қурби ҳар доим ҳам етавермайди. Шунинг учун Президентимиз уларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида мунтазам ғамхўрлик қилмоқда. Бироқ баъзи ижрочи раҳбарлар...

— Биз айни кунларда хусусийлаштириш масаласига катта эътибор бераяпмиз, — деди район маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори Отабек Қурбонов. — Айниқса, қишлоқлардаги маиший хизмат тармоқлари деярли сотиб бўлинди. Тўғри, аҳоли буюртмачилари қимматга тушаяпти. Бунинг асосий сабаби — солиқлар ҳажмининг катталигида. Қанча кўп даромад олсак, шунча кўп солиқ тўлаяпмиз. Натижада харидорларимиз биздан қочишга уринмоқдалар. Хизмат ҳақи қиммат бўлгач, ким ҳам корхонамизга келади дейсиз?

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Нақлиёт бир маромда ишласин*

ПОЕЗДЛАР ЖАДВАЛГА МУВОФИҚ ҚАТНАМОҚДА

Ҳозир йўловчилар учун темир йўл нақлиётининг энг ишончли ва арзон тури бўлиб қолди. Айни пўлат изларр Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида қатнайдиган бирдан-бир ишончли транспорт воситаси бўлиб турибди. Ленин заводлар ва автомобилчилар каби темирйўлчилар ҳам ҳозир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Энг асосий муаммолардан бири — йўловчилар ташиладиган вагонларининг етишмаслигидир. Ҳақиқатан ҳам ёзги таътил пайтида бирор жойга жўнаб кетиш осон эмас. Шунга қарамай, Урта Осиё темир йўл бошқармаси собиқ Иттифоқ ҳудудида маршрутларни қисқартирмаётган, балки уларни кенгайтираётган бирдан-бир бошқармадир.

— Биз учун йўловчиларни вагонлар билан таъминлашдан муҳимроқ иш йўқ, — дейди Урта Осиё темир йўл бошқармаси йўловчилар ташиш хизматининг бошлиғи Т. Дадахўжаев — Таътил мавсуми авжига чиққан ҳозирги пайтда муаммолар кўпайди, албатта. Вагонларни ўз вақтида таъмирлаш, поездлар ҳаракати жадвалини, чипта нархларини бошқа темир йўл бошқармалари билан келишиб олиш биринчи навбатдаги вазифалардандир. Афсуски, чипта нархлари олдин айтилган барча масалалар қандай ҳал этилишига боғлиқ. Бироқ Узбекистон ҳукумати юз бераётган вазиятни ҳисобга олиб, чипта нархини оширмасликка қарор қилди.

Бошқа МДҲ мамлакатларидаги каби республикамизда ҳам вагонлар етишмаяпти. Бу мураккаб аҳволдан қандай чиқиш мумкин? Урта Осиё темир йўл бошқармаси Твер заводи билан йўловчи ташийдиган ўттиз бешта вагон етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Ҳозиргача тўққизта вагон олдик. Лекин ўзаро ҳисоб-китоб қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Бу муаммо фақат темир йўлни эмас, балки бутун Узбекистон саноатини тўла маънода бўғиб қўймоқда. Ҳозир ишлатилаётган вагонларни тезкорлик билан таъмирлаш яна бир муҳим масаладир. Улар қисман ўзимизда таъмирланмоқда, обдон таъмирлаш ишлари билан Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигининг ихтисослашган корхоналари шу-ғулланади. Бошқармамиз улар билан ўзаро манфаатли шартнома тузган. Тўғри, буюртмани сифатсиз бажараётган бир неча корхоналарининг хизматидан воз кечишга тўғри келди. Ҳозир МДҲ заводларида бир юз элликтага яқин вагон таъмирланмоқда.

Темир йўл фақат ҳудудларни эмас, балки биринчи навбатда одамларни бирлаштирадиган ишончли йўлдир. Лекин ҳар қандай мураккаб механизм ишидаги каби бу соҳада ҳам аввало аниқлик зарур. Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги иқтисодий пароканда-лик темирйўлчилар фаолиятига таъсир этмай қолмади. Бир қанча темир йўл бошқармалари поездлар ҳаракати жадвалини ўзларига мослаб ўзгартиришмоқда. Бундай ҳолга йўл қўйиш мумкин эмас. Шу сабабли, 21 июль куни Москвада барча темир йўл бошқармалари, жумладан, Болтиқбўйи мамлакатлари темир йўл бошқармалари йўловчилар ташиш хизматлари бошлиқларининг кенгаши иш бошлади. Шунинг ўзи катта гап!

Ҳозир Тошкент—Москва фирма поездлари йўловчилар учун жуда ноқулай пайтда — тонг ёришаётганда жўнаб кетмоқда. Шу сабабли, шунингдек бошқа сабабларга кўра поезд таҳминан беш соат вақтни ютказмоқда.

Шу муносабат билан Россия темирйўлчилари билан музокара олиб борилди. Ана шу бешинчи поездни ва Россия Федерацияси ҳудудидан ўтадиган бошқа поездларни жўнатишни қулайроқ вақтга кўчиришга доир таклифлар маъқулланди.

Ҳозирча эса Урта Осиё темир йўли вужудга келаётган муаммоларни ўз кучи билан ҳал қилишга уринмоқда. Қанчалик қийин бўлмасин, вагонларнинг Симферополгача бевосита етиб боришини ташкил этиш имконияти топилди. Тўғри, бундай вагонлар беш кунда бир марта жўнатнлади, лекин Қримга бормоқчи бўлганлар учун жуда қулай. Бошқа вагонга чиқишга ҳожат қолмайди. Алматига, Сибирь шаҳарларига бевосита қўшимча маршрутлар очилди...

— Ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда мавжуд пароканда-ликдан чиқиш йўлини топиш жуда қийин, — дейди йўловчиларни ташиш хизмати раҳбари. — Биз очиғини айтамиз: ҳозирча бошқарма йўловчиларнинг ҳаммасини чипта билан таъминлай олмайди. Ҳамма айбни вагонлар етишмаслигига ағдарадиган одатимиз йўқ. Менимча, ҳозирги пайтда болаларни, саноат корхоналаридаги дам олувчиларнинг уюшган гуруҳларини дам олиш жойларига элтиб қўйишдан муҳимроқ муаммо йўқ. Лекин шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни ҳисобга олиш зарур. Бозор муносабатларига ўтилгани сари ишбилармонлар, тожирлар оқими кўпаяди. Улар эса, одатда, чипта нархининг қимматлигини назар-писанд қилишмайди. Шу сабабли ҳужжат кўрсатган кишиларгагина чипта сотишни жорий этишга мажбур бўлдик...

Ҳа, ҳамма иш темирйўлчиларга боғлиқ эмас. Бошқа республикалар ҳудудидан ўтаётганда кўпинча вагонларнинг ойналарига тош отиб синдиришяпти. Бу ўсмирларнинг иши. Темир йўл бошқармалари, йўл милицияси бу соҳада маълум чораларни кўряпти, лекин ота-оналарга, ёш авлоднинг тарбияси даражасига кўп нарса боғлиқ.

Ҳозир Урта Осиё темир йўл бошқармаси қийин даврни бошдан кечирмоқда. Лекин бу ерда ходимлар сонини кескин камайтирган бошқа меҳнат жамоалари йўлни тутилмади. Чунки малакали темир йўл ходимини тайёрлаш учун кўп йил кетади. Шу боисдан ходимларни сақлаб қолиш йўлига ўтилди. Юк ташиш авжига чиққан даврда темир йўл бошқармасидаги бошқа бўлинмалардан юзлаб мутахассислар вақтинча йўловчиларга хизмат қилиш бўлинмасига ўтказилди. Бу эса Узбекистон шаҳарларидан жўнаб кетаётган поездлар манзилга жадвалда белгиланган вақтда етиб боради, манзилга минглаб йўловчиларни вақтида элтиб қўяди, демакдир.

(ЎзА).



ҚУРУВЧИЛАР ШИЖОАТИ

Хоразм воҳасининг жамоли кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда. Айниқса, кейннги йилларда бу ерда улкан саноат корхоналари, осмонўпар турар жой ва маиший бинолар, сўлим боғлар ва шинам кўчалар, янги-янги шаҳарчалар барпо этилди. Вилоятдаги бу яратувчилик ишларини «Хорезмсовхозводстрой» трестининг қўли гул қурувчи ва меъморлари амалга оширдилар. Айни кунларда трест ташкил топганига 23 йил тўлди. Бу давр ичида трест коллективи бажарган бунёдкорлик ишларини санаб адо қилиш қийин.

Туямўйин гидроузели қурилиши, «Гулистон», «Янгиобод», «Боғот», «Колос», «Шовот» «Ўзбекистон», «Гагарин» каби қатор шоличилик хўжаликларининг комплекс қуриб битказилиши мана шу трест ишчи-хизматчиларининг ғайрат-шижоатларининг намунасидир. Қизилжар ва Қорақум массивларида ҳам катта қурилишмонтаж ишлари бажарилди. Вилоятдаги йирик гидротехника ва сув иншоотлари қурилишларини айнан шу коллектив уддалади.

Ҳа, «Хорезмсовхозводстрой» бунёдкорларининг бу улкан жасорати ва шижоатларига таҳсинлар ўқиса арзийди. Кунларни тунларга улаб чўл бағрида, қум барханлари ошиб янги ер очаётган, бу ерларга оби ҳаёт келтираётган, осмонўпар уйлар қураётган кишиларга офаринлар айтамиз.

Рўзимат ЖУМАНИЁЗОВ,
ЎзА мухбири.
Суратлар муллифники.
СУРАТЛАРДА: (Чапдан) қурувчилар А. Сапаров, Р. Қозоқов, Р. Нафасов, ПМК бошлиғи Я. Ҳакимов ва бригадир И. Нуржоновлар.
Шиша заводи корпусининг умумий кўриниши.



ҲАРБИЙ МУҲАНДИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

САМАРҚАНД автомобиль командирлари олий ҳарбий билим юрти ҳозирги пайтда мустақил Узбекистон учун кадрлар тайёрламоқда. Унга қабул қилинаётганларнинг аксарияти ўзбек йигитларидир.

Шу йилдан бошлаб билим юртининг ихтисосига ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирги даврда қуролли кучларида фойдаланилаётган техникани бошқариш учун юксак малакали ҳарбий муҳандисларга талаб ошмоқда. Шуни ҳисобга олиб бу билим масканн автомобиль командирлари олий ҳарбий инженерлар билим юртига айлантирилди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ЛИНИЯ ПЕЧЕНЬЕ ЧИҚАРМОҚДА

БУХОРОДАГИ нон маҳсулотлари комбинатида янги линия ишга тушди. У кунига 7,5 тонна турли печенье маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Замонавий асбоб-ускуналар маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминламоқда.

О. МАННОН.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ШАҲАРНИНГ ЙИГИТ ЕШИ

ШУ ЙИЛ сентябрь ойида Навоий шаҳрининг 35 йиллиги нишонланади. Айни пайтда навқирон шаҳар тўйига тайёргарлик қизғин бормоқда. Бир пайтнинг ўзида Навоий конметаллургия комбинатининг ҳам 35 йиллиги байрам қилинади. Қўш байрамга бутун МДҲ давлатларидан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Чунки шаҳар қурилишида собиқ СССРнинг барча шаҳарларидан қурувчилар қатнашгани ҳақиқат.

Байрам тадбирларини ўтказиш учун дастлабки миллионлар келиб тушди. Навоий конметаллургия комбинати 2 миллион, Навоий азот бирлашмаси 2 миллион сўм маблағ ўтказдилар.

ҚОНУН БИЛАН УЙНАШИШ ОҚИБАТИ

НАВОИЙ шаҳар ҳокимн айрим кичик корхоналар, хусусий фирмалар, ширкатлар ва даллоллик идораларининг фаолиятини тўхтатишга қарор қилди. Сабаби аён. Бу ишбилармонлар молиявий, солиқ ва бошқа идоралар олдида мутлақо масъулият сезишмай қўйишганди. Ҳоким қарори билан уларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари ёпилди. Муҳрларн бекор қилинди. Жами 16 та кичик корхона, 25 та даллоллик идорасининг фаолияти тақатақ тўхтади. Кўпчилик раҳбарлар қатори вилоят деҳқончилик уюшмаси раиси Хайриддин Зайниев ҳам ўзининг «Нарпай» деб номланган ишбилармон идораси билан хайрлашди.

ЧЎПОН ЭҲТИРОМИ

ШУ йил 18—19 сентябрь кунлари навоийлик машҳур чўпон, икки марта Меҳнат Қаҳрамони, Узбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги Жабай Балиманов таваллудининг 100 йиллиги ўтказиладиган бўлди. Шу муносабат билан Балиманов жамғармаси ташкил этилди.

Айни пайтда бу жамғармага дастлабки хайрнялар тушмоқда. Жумладан Навоий кон-металлургия комбинати 10 (ўн) миллион сўм пул ўтказди.

ҲАМОН «КОММУНИЗМ»-ДАГИДАЙ

НАВОИЙ вилоят электр тармоқлари корхонасининг биносида жойлашган автомат телефонлар мана бир йилдирки, мижозларга тенкин хизмат кўрсатмоқда. Илгари, бу автомат телефонларда бор йўғи 3-дақиқа сўзлашиш мумкин эди. Энди бўлса соатлаб валақлашиш мумкин. Бу қулай имкониятдан фойдаланаётган мижозлар ўзларини худди «коммунизм»дагидай ҳис қилмоқдалар.

НУРОТАДА ОТЧОПАР

ТУМАН марказида отчопар қуриш тўғрисида ҳоким қарори чиқди. Шу пайтгача Наврўз ва бошқа байрамларни оммавий нишонлаш учун сайлгоҳлар йўқ эди.

Отчопарнинг бунёд этилиши бу ерда яна қатор савдо дўконларининг пайдо бўлишига замин яратади.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХУЖАЛИК АЪЗОЛАРИГА АРЗОН ҒИШТ

ОЛОТ туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида ҳар мавсумда 2 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди.

Жамоа хўжалиги бошқаруви завод маҳсулотларини ўз аъзоларига арзон нархларда сотишга қарор қилди. Бу бозор иқтисоди шароитида хусусий уй қурувчиларнинг мушкулини анча енгиллатади.

• Сиз кутган учрашув

«ОҚ ИЛОННИ...» ИЛК БОР ҚАНДАЙ ЙИҒЛАБ АЙТГАН БЎЛСАМ, ҲОЗИР ҲАМ ЭЗИЛИБ-ЭЗИЛИБ КУЙЛАЙМАН»

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ СУЛТОНПОШША ЎДАЕВА БИЛАН МУЛОҚОТ

— Султонпошша опа, аввало сизни кечикиброқ бўлса ҳам юксак унвонга сазовор бўлганингиз билан қутлаймиз. Суҳбатимизни анъанавий бўлмаган савол билан бошламоқчиман: бу мукофотни ўзингизга айни вақтида берилган, деб ҳисоблайсизми, ёки ...Умуман санъаткорларнинг тақдирланишига қандай қарайсиз?

— Табригингиз учун ташаккур. Мукофот масаласида бирор нарса дейишдан ожизман. Менинг озгина хизматимнин мукофотга лойиқ топишган экан, бу халқим олдида қарздорлик ҳиссини оширди, менга катта масъулият юклайди. Айтмоқчиманки, авваламбор кимдир менинг қўшиқларимни севиб тингласа, юраги ғамга ботган ёки дили шодликка тўлган кезларда ўшалардан бирини хиргойи қилиб, бироз таскин топса ёки қувончига қувонч қўшилса, бу менинг бахтим. Қачон-ки, куйлаётганимда жон қулоғи билан тинглаётган томошабинларни кўрганимда, қўшиғим биттагина ихлосмандининг бўлса-да, дилига етиб бораётганини ҳис қилганимда, томошабинлар даврага чиқиб ўйнаб кетганларида ёки менга жўр бўлишган кезларида мен тотган бахтнинг мазасини сизга сўз билан таърифлаб беролмайман. Энг асл мукофот аслида мана шу.

Санъаткорнинг тақдирланганн яхши, менимча. Негаки, бу биринчидан уни рағбатлантирса, иккинчидан илҳомлантиради, янада кўпроқ изланишга, ижодкорликка ва меҳнатга ундайди. Учинчидан ҳозирги кунда бундай мукофотларнинг имтиёзлари катта. Масалан, мен ойлигимга 60 фоиз қўшимча ҳақ оламан. Ҳозирги шароитда бу яхши имконият. Чунки санъаткорнинг оиласидаги етар-етмаслик уни ҳақиқий изланишдан чалғитиб, пул топиш йўлига бошлаши мумкин.

— Келинг, санъат сўқмоқларида эндигина атак-чечак қилиб, тетапоя бўлиб келаётган пайтларингизга, сизни шу йўлга бошлаган болалигингизга қайтсак... Менинг волидаи муҳтарамам ҳамиша сиз ҳақингизда гап кетса, қачонги Султонпошша у, дейдилар...

— Гапларида жон бор. Чунки томошабинларга Хоразм вилоят телевидениеси орқали илк бор қўшиқ ҳадя этганимда 10 яшар қизалоқ эдим. Шунгаям салкам 30 йилга яқинлашиб қолибди. Ўшанда мени она қишлоғим Янгибозор ва Гурлан туманидаги мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Санъат ғунчалари» «кашф» этган эди. Ўша кезларда халқимизнинг севимли хонандаси Олмахон Ҳайитова «Онам дерман» номли янги қўшиғини радио орқали ижро этдилар. Энг севимли ўйинчоқларимни, барча «юмуш»ларимни қолдириб, радио олдига чопардим. Бу қўшиқни икки-уч марта эшитганимдаёқ, ёд олиб хиргойи қила бошладим. Болаларга хос шу қадар кучли меҳр билан яхши кўриб қолганлигимдан бўлса керак, бир куни 2-синф партасида ўтирган қиз — дарс пайтида партани бармоқларим билан доира қилиб чалиб, беҳосдан шу қўшиқни айтиб юборибман. Энди ўйласам кулгим қистайди. Бир тасаввур қилинг: синфда пашша учса овози эшитилади. Фақат ўқитувчининг сабоғигина жимликни бузади. Шу пайт кутилмаганда орқа партада ўтирган қизалоқ баланд овозда ашула бошласа. Ўқитувчим Солия опа ҳайрон бўлибми, ё нима қиларини билмасданми бирпас жим туриб қолганлар. Аммо мени уялтирганлари ҳам, уришганлари ҳам йўқ. Ўша соат қайси дарс эканлиги эсимда йўқ. Аммо Солия опа сабоқни тўхтатиб, секингина доскага чақириб шу ашулани такрор айтдирганлари-ю, мени эркалатиб, мақтаганлари кечагидай эсимда. Мана ўқитувчимнинг тажрибаси, маҳорати, истеъдоди! Балки шу кичкинагина воқеа менинг ҳаётим ва санъатимнинг дебочаси, мағзи бўлгандир. Менинг илк устозларим Солия ва Зиёда опалар ҳамда мусиқа ўқитувчимиз Ҳожибой Нишонбоевлар сабоғи ҳамон ёдимда.

Ишқилиб, Олмахон Ҳайитованинг «Онам дерман», Муҳаббат Шамаеванинг «Тонг», Шермат Файзуллаевнинг «Онажон» қўшиқлари менинг ижроимда ҳам телетомошабинлар хонадонларига илк бор кириб борди.

8-синфда ўқиётган кезларимда «Марҳабо талантлар», 10-синфдалигимда эса «Зеҳн», «Чашма» каби жумҳурият кўрик-танловларида қатнашдим. Шу-шу қўшиқ ҳамроҳим бўлиб қолди.

— Баъзан ота-оналар қизларининг санъаткор бўлишларига қаршилик қилишади. Бунга сабаб касбнинг мураккаблиги, кўпинча санъаткорлар оиласида бахт кемтик бўлади, деган фикр улар онгига сингиганлигидан бўлса керак. Сизда бу жараён қандай кечган? Ёки ота-онангиз ҳам санъаткорми?

— Отам фермада ишлар, онам эса уй бекаси эдилар. Оилада 6 ўғил, 3 қизмиз. Лекин отам ҳам онам ҳам қўшиқ айтиб танилмаган бўлсалар-да, санъатни севардилар. Айниқса отам. У киши номозхон одам бўлишлари билан бирга, классик шоирларнинг шеърларини ёддан билардилар. Уйимизда ҳеч нарсамиз бўлмаса-да, китоблар, биздан ўн чандон яхши яшайдиган оилаларда ҳам бўлмаган карнайли потефон билан бирга Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев, Назира Юсупова, Жуманазар Бекжонов, Султонпошша Раҳимоваларнинг суворалари, классик ашулалари ёзилган пластинкалар бор эди. Мен оилада энг кичик қиз бўлганимгами, отамнинг орқаларидан бир қадам ҳам қолмасдим. Ҳар куни аравада фермага боргунча отам Навоий, Лутфий, Огаҳий ғазаллари билан айтиладиган ашулаларни айтиб берардилар ва қўшиқнинг ҳар бир сатрини менга 6-7 ёш қизалоққа тушунтириб ҳам берардилар. Санъатга ихлоси кучлилигидан учта қизига ҳам энг яхши санъаткорларнинг исмларини қўйганлар: Ҳалимахоним, Тамарахоним, Султонпошша. Отамнинг яхши қўшиқни дунёни унутиб, кўзларида ёш билан тинглаганларини кўрганман. Санъатни тушуна олиш, тинглай олишнинг ўзи катта бир санъат. Қўшиқни тушуниш учун ҳам кишида буюк қалб, меҳр-муҳаббат, эзгулик бўлмоғи лозим. Бу хислатни худо ҳаммага бермаган.



Ўқувчилик йилларимда телевидение орқали ашула айтишим керак бўлса, раҳбарлар отам олдига келиб, уни зўр-базўр кўндиришарди. Ёшлигимда қўшиқ айтсам, отам «ҳали бола-да», деб қарарди, лекин олқишларди. Улғая борганим сари уни ваҳима боса бошлади. Мактабни тугатганимдан кейин ашула айтмайсан, деб шарт қўйдилар. 1974 йили консерваторияга ўқишга киришга қанча уринмай, улар ўз сўзларида туриб олдилар. Эртага сен иккита бегона эркакнинг олдида қўшиқ айтсанг мен — отанг гуноҳга ботаман, дедилар. Ниҳоят шу йили Хоразм давлат педагогика институтининг она тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирдим.

Ҳар куни жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан даста-даста хатлар олардим. Энди ўрта мактабни тугатишим билан уйимиз остонасидан совчиларининг оёғи узилмади. Отам буни кўриб ҳам ҳайратланарди, ҳам қувонарди.

— Баъзилар шарт-шароит яхшилиги учун, бошқа бировлар тез «ўсиш» учун, умуман ҳар ким ҳар хил мақсадда пойтахтга интилади. Сизни Хоразм элидан Тошкентга нима етаклаб келди?

— Мусиқа ва унга бўлган муҳаббат.

Мен турмушга чиқмайман, турмушга чиқсам, қўшиқ айтишимга йўл қўйишмайди, деб оёқ тираб туриб олганимда онам раҳматлик: «Қизим, ниятинг бутун бўлса, сен Сафарбой билан турмуш қуришга розилик бер, чунки у сенга кўнгил қўйган, қўшиқларингнинг ҳам мухлиси, истеъдодингни қадрлайди, сени тушунади. Чунки ўзи ҳам санъаткор», — дедилар.

Ўқишнинг биринчи йилини тугатганимдан кейин тўйимиз бўлди. Кейин мен ўқишни Низомий номли Тошкент пединститутида давом эттирдим. Негаки, турмуш ўртоғим шу олийгоҳнинг мусиқа факультетида таҳсил олардилар. Шу-шу тақдиримиз ипи Тошкент билан боғланди. Ҳеч афсусланмайман. Бу ерда машҳур санъат усталари Берта Давидовадан ўзбек классик қўшиқларини, Коммуна Исмоиловадан халқ қўшиқларини, Матниёз Юсуповдан Хоразм мақомларини ўргандим. Улар каби ўнлаб устоз санъаткорлар билан танишдим, яқиндан мулоқотда бўлдим ва улар туфайли кўп нарсаларга эришдим. Машҳур кишилар билан бир сафда ҳатто оддий муомалада бўлишнинг ўзи ҳам одамга нимадир беради, нимадир юқтиради.

— Туркия телевидениесининг Евросиё телеканали орқали концертингизни кўриб, қўшиқларингизни тингладик. Турк томошабинлари билан ўзбек мусиқасеварлари ўртасида фарқ сездингизми?

— Ҳа. Турк халқида санъаткорга, санъатга ҳурмат ва муҳаббатнинг уйғунлигини кўрдим. Улар олдида оғир йўлларда айтиладиган суворaю мақомлардан хоҳлаганча ижро этиш мумкин. Улар сени тинглабгина қолмай, тез-тез олқишлаб ҳам туришади. Уларда мусиқани тинглай олиш маданияти бор.

— Сиз қўшиқларингиздаги ранг-барангликка қандай эришяпсиз? Менимча бошқа тилларни ҳам билсангиз керак. Умуман бир миллат қўшиғини куйлаш учун ўша халқнинг тилини билиш шартми?

— Қани энди имконинг бўлсаю, барча тилларни ўргансанг. Аммо инсон кўпинча имкониятни ҳам, фурсатни ҳам бой бериб қўяди.

Санъаткор ҳеч бўлмаганда куйлаётган қўшиғининг сўзларини тушуниши, ҳис қилиши зарур. Шундагина тингловчига манзур бўладиган қўшиқ ижро эта олади. Озарбайжончами, афғончами бирор қўшиқ матни қўлимга тушдими, дарҳол таржимон излай бошлайман. Кўпинча бу мушкулни радиоэшиттириш ходимлари туфайли ҳал қиламан. Қўшиқнинг таржимасини ёдлаганимдан кейингина, ижроси ҳақида ўйлайман.

Озарбайжон, турк тиллари, Хоразм шевасига жуда яқин. Улар билан бемалол мулоқотда бўла оламан. Туркияда ҳам бу менга жуда қўл келди. Дейлик «тунов кун» деган сўз хоразмча «тунин» деб талаффуз қилинади, туркларда эса «дунин» деб айтилади.

Бир дилбари зорим мани
йиғлатди дунин-ай,
Мижгон ўқини кўксим аро отди
дунин-ай.

Мана яқинлик, ўхшашлик. Қўшиқни ижро этаётиб, турк томошабинларидан «англаёриз?» деб сўрасам, бирданига ҳаммаси «англаёриз?» деб қичқиришди. Ҳатто баъзан такрор айтиладиган сатрларга жўр бўлишга ҳаракат қилишди.

Шунинг учун ҳам мен кўпроқ Туркияда Хоразм лапарлари, халқ қўшиқлари, туркча, озарбайжонча қўшиқларни ижро этишга ҳаракат қилдим. Хоразм халқ қўшиқлари, лапарлари, фольклор санъати билан ҳамма давлатларда обрў қозониш мумкин. Чунки уларда ниҳоятда жўшқинлик, рақсга тушиш истагини уйғотадиган сеҳрли куч бор.

Қўшиқлардаги ранг-барангликка фақат меҳнат туфайлигина эришиш мумкин. Мухлислари олдида уялиб қолишни истамаган ҳар бир санъаткор шунга интилиши керак.

— Кейинги вақтларда «Оқ илон, оппоқ илон» қўшиғингиз кўпчиликнинг юрагидан жой олди. Шеърдаги дард қўшиқ оҳангига бутунлигичагина эмас, балки уни янада тўлдириб кўчган. Бундай қўшиқлар инсон қалбини яшин тезлигида забт этади. Уни қайта-қайта тинглагинг келади. Умуман аёл қалбидаги дард нима ўзи?

— Бу шеърнинг муаллифи Зулфия Мўминова. Катта дард билан ёзилган шеър бу. Бундай шеърга яхши мусиқа бўлса бас эди.

Она бўлолмаслик, эрнинг хиёнати, оила нотинчлиги, ноқобил фарзанд... Буларнинг ҳаммаси АЁЛ ДАРДИ. Уйда шу дардларнинг биригина битилган. Лекин унинг ҳар бир сатри дард:

Эшикларни йиғлаб ёпдим,
Эшигингни ёпгин ёр.
Мен-ку сени севиб топдим,
Сен худодан топгин ёр...

Бу қўшиқни илк бор қандай йиғлаб айтган бўлсам, ҳозир ҳам ҳеч ўзимни тўхтатолмайман, қорачиғимни доимо ёш қоплайди, эзилиб-эзилиб куйлайман.

— Сиз ўқитувчи-санъаткорсиз. Ўқувчиларингиз сизни санъаткор сифатида қандай қабул қилишади?

— Ўқувчиларимнинг кўпчилиги фахр туйғусини сезаман. Менинг ашулаларимни ёд олиб айтишга ҳаракат қилишади. Баъзан дарс давомида хоҳлаган қўшиқларини айтиб беришга мажбур бўлган вақтларим бўлган. Ҳозир ўзим ўқитувчилик қилган 38-мактабда ўқитувчи ва ўқувчилардан ташкил топган тўгаракда иш олиб боряпман. Бироз мақтаниб қўяй, тўгарак аъзолари кўрик-танловларда ғолибликни қўлдан бермаётирлар. Худо хоҳласа, беришмайди ҳам.

— Энди суҳбат мавзусини оилангизга қаратсак.

— Турмуш ўртоғим Сафарбой Олимбоев билан ҳамиша бирга ижод қиламиз. Қизим Садоқат 18 ёшда. Ўғилларим Баҳодир ва Беҳзодлар 15-12 ёшдалар. Шу кунларда қизим толиба бўлишга тайёргарлик кўрмоқда. Баҳодир эса Глиэр номли мусиқа мактабида таҳсил олаяпти.

— Гастролларда бўласиз, уй юмушларига вақтингиз етмаслиги мумкин. Қолаверса, эркак кишида хўжайинлик ҳисси бўлади, рашк дегандай...

— Мен уч марта Туркияда бўлганман холос. Бошқа ҳеч қаерга гастролга бормаганман. Чунки оила билан бўлиб, санъатда камроқ фаолият кўрсатдим. Бирор жойга боргудек бўлсак, албатта бирга борамиз. Бунинг устига гуруҳимизда бегона киши йўқ. Бадиий раҳбар хўжайинимнинг ўзлари. Ноғорада укам Кенжабой Ўдаев, доирада устозим Раззоқ Ҳасановнинг ўғли Илҳом Ҳасанов, скрипкада андижонлик Мурод исмли йигит, аккардиончи озарбайжон йигити Илҳом Абдуллаев. У озарбайжонча қўшиқларни ўрганишимда менга яқин кўмакчи. Аёл хоҳ шифокор бўлсин, хоҳ санъаткор— уйда бекаликни уддалаши керак. Болаларим кичкиналигида мактабда ишлардим. Уй юмушларини уддалашга бемалол вақт топардим. Ҳозир худога шукур, қизим улғайиб, ҳамма ишимни қўлимдан олди.

Муҳаббат бор жойда, рашк бўлади. Бундай ҳол бизнинг орамизда ҳам бўлиб туради. Аввало, бунақа воқеаларнинг олдини олиш учун ўзимни унинг кўнглидагидек тутишга, итоат қилишга ҳаракат қиламан. Кўз тегмасину, оила хусусида мен энг бахтли аёллардан бириман.

— Қизингизнинг ҳам санъаткор бўлишини хоҳлармидингиз?

— Йўқ. Негаки бу жуда машаққатли касб. Қолаверса, унинг ўзига боғлиқ бўлмаган томонлари бор. Агар унга ҳам отасига ўхшаган фидойи, санъатсевар куёв учраса бахти, бўлмаса ҳаётда жуда қийналиши мумкин.

— Аёллар жамият ишидан воз кечиб, уйда бола тарбияси билан шуғулланганн маъқул, деган фикрга қўшиласизми?

— Бажонидил қўшиламан. Агар оила иқтисоди буни кўтарса, аёл уйда, болалари ёнида бўлганига нима етсин? Юқорида айтганимдай, менинг онам уй бекаси бўлганлар, 9 фарзандни ювиб-тараб вояга етказганлар.

Фарзанд ёшлигида ота-онасига қанчалик яқин бўлса, унинг тарбиясига эътибор қилинса, у шунча меҳрибон ва меҳнатсевар бўлади.

Ҳозир ҳеч бўлмаса аёлларнинг иш соатлари бироз камайтирилса, яхши бўларди.

— Санъаткор асосан қандай хислатларга эга бўлмоғи керак?

— Унинг учун энг зарур хислатлар ҳалоллик, камтарлик, ва меҳнатсеварлик. Шуларга эга бўлган санъаткорнинг ҳеч қачон обрўсига путур етмайди, номига доғ тушмайди. Мен ҳамкасбаларим Замира Суюнова, Матлуба Дадабоеваларда худди шу фазилатларни кўраман ва шу боис уларни ҳурмат қиламан.

— Ҳозиргина тўйдан келяпман дедингиз. Тўйда қўшиқ айтадиган санъаткорлар ҳақида баъзан нохуш гаплар эшитамиз.

— Мен сизни тушундим. Ўзбекнинг тўйи унинг энг катта тантанаси, айни шу айёмларда яхши санъаткорлар бор маҳоратларини ишга солиб, хизмат қилишлари керак. Шундагина «отарчи»ларга йўл берилмайди. Биз қатнашадиган тўйлар ҳақиқий концерт, учрашув тарзида ўтади.

— Яхши биламизки, Хоразмда лапарлар билан бирга ҳалфа қўшиқлари ҳам ижро этилади ва севиб тингланади. Негадир сиз Хоразмда туғилиб ўсган бўлсангизда бундай қўшиқларга мурожаат қилмаясиз?

— Яқинда мен хивалик Назира ҳалфадан фотиҳа олдим. Эндиликда ҳалфа қўшиқларини ўрганиб, маромига етказиб ижро этиш ниятидаман.

— Шу яқин орада мухлисларингизга қандай янги ашулалар тақдим этиш ниятидасиз?

— Анчагина янги қўшиқлар устида ишлаяпман. Мухлисларимга ҳадя қилгулик кичик гулдастам бор. Севимли шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг «Сен бўлмасанг», «Нодираи даврон», «Ошиқликда» шеърлари, Зулфия Мўминова қаламига мансуб «Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар», «Аёл», «Оғам», Муяссар Отажонованинг «Муҳаббат озоринг соғиндим нетай», «Етолмаган юлдузим» каби шеърларини мусиқага солиб, азиз қўшиқ шинавандаларига тақдим этмоқчиман.

— «Халқ сўзи» муштарийларига қандай тилакларингиз бор?

— Улар ўз оилалари даврасида соғ-саломат, фарзандлари, ота-оналари, дўсту ёрлари орасида ҳамиша яхши қўшиқдек севимли бўлишларини истайман.

Саодат МАТЕҚУБ қизи суҳбатлашди.

ЭЪЛОНЛАР

Екатеринбург шаҳридаги Афғонистон фахрийлари иттифоқининг Свердловск вилоят бўлимининг "ОПЫТ" бирлашмаси

Сизга ўз маҳсулотларингизни сотиш учун қулай имконият яратиб беради:

- рэкетдан 100 % ҳавфсизликни таъминлашга кафолат берилади;
- ҳамма қулайликлари билан меҳмонхоналар;
- омбор бинолари;
- амалий ва маданий ташрифлар учун автотранспорт ажратилади;
- наколатхона хизматлари кўрсатилади;
- катта юк машиналари учун тўхташ жойи тайёрланади;
- маҳсулотлар учун ҳақлар 3 кун ичида нақд тўланади.

Буларнинг ҳаммаси маҳсулотларингизнинг Екатеринбург бозорида сотилган нархининг 15 % ҳисобига.
Бизга дарҳол қўнғироқ қилинг, бизда Урал бозорларидаги нархлар тўғрисидаги кундалик маълумотлар бор.

Алоқа телефонлари: 8(3432) 57-18-16, 51-91-08, 51-65-04
Тошкентдаги ваколатхонамиз: Қўйлиқ массиви-2, 3а-уй.
Телефон: 90-23-93

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ МЕҲР-ШАФҚАТ ҲАМШИРАЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ЙИЛЛИК, ПУЛЛИК, КЕЧКИ КУРСГА 1993 — 1994 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш жараёни И. Охунбобоев номли Республика тиббиёт билим юртида махсус дастур асосида тажрибали педагоглар томонидан олиб борилади. Амалий машғулотлар Тошкент шаҳрининг клиника ва шифохоналарида ўтади.

Кириш учун ҳужжатлар 2 августдан қабул қилинади, ўқиш 15 сентябрдан бошланади. Ўқишга Республикамизнинг барча вилоятларидан келган, ўрта маълумот ҳақида ҳужжати бор, 35 ёшгача бўлган, миллатидан қатъий назар аёллар суҳбат асосида қабул қилинади.

Ўқишни тугатиб, давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширганларга «Меҳр-шафқат тиббиёт ҳамшираси» деган мутахассислик берилади ва курсни тамомлаганлиги ҳақида гувоҳнома билан тақдирланади.

Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти Марказий қўмитасининг манзилгоҳи:

Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 30 уй. (Туркман бозори яқинида).

Маълумот учун телефонлар: 56-29-06, 56-29-04. 56-28-03.

«Ўзавтотранс» корпорацияси қошидаги жавобгарлиги чекланган «Иқтисод-ЛТД» жамияти тугатилди. Барча даъволар билан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: 33-62-77, 91-64-06.

•Савоб

Маънавият даромадидан тиббиёт мадад олди

ХОРАЗМЛИК журналист ва тадқиқотчи Эркин Зоҳидовнинг сўнгги хонлар замонини ўрганиш борасидаги илмий-ижодий ишлари ажойиб натижа билан тугади.

Тадқиқотлар баробарида Хива хонлигини 47 йил одилона бошқарган раиятпарвар шоҳ, оташнафас шоир ва мусиқашунос Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) ҳаёти ва фаолиятининг ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган янги қирралари очилди. Муаллифнинг кўпдан-кўп илмий, тарихий ва далилий, фактлар, манбааларга суяниб яратган «Хоразм фожиаси» китобини эса «Ўзбекистон» нашриёти 30 минг нусхада чоп этди. Асар ўтган асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлигининг Чор Россияси мустамлакасига айлантирилиши даврида содир бўлган айрим воқеалар ва унда тахт соҳибининг иштироки билан боғлиқ мунозарали ва муаммоли масалалардан баҳс очади.

Тадқиқотчининг тарихий ҳақиқат излаб, хайрли ва савоб ишга қўл ургани таҳсинга лойиқ. Бироқ, унинг ҳиммат туйғулари билан йўғрилган бошқа бир ташаббуси ажойиб инсоний фазилатлар соҳиби эканлигидан ҳам гувоҳлик беради. Гап шундаки, тарихимиз жонкуяри асарига тўланган қалам ҳақини тадқиқот ва шахсий тирикчилик сарф-харажатларига эмас, эл соғлиғи эҳтиёжларига йўллади. Вилоят табобат техникаси таъминоти ва савдо бирлашмаси бошлиғи, доришунослик фанлари доктори Ражаббой Собировнинг фаол кўмаги билан юрак, қон-томир хасталикларини аниқловчи замонавий ташҳис қўйиш ускунасини харид қилиб, уни воҳадаги фахрийлар ва ногиронлар шифохонасига тақдим этди.

Бу — ҳазилакам совға эмас. Ҳозирги нархларга чаққанда бундай ноёб ва серҳосият тиббий дастёрни 300 минг сўмдан камига тополмайсиз.

«Муолажа»га муҳтож табобатимиз шундай олийжаноб кишилар саҳоватила «шифо топиб», оёққа турса не ажаб?!

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати, касаба уюшмаси, профессор ва ўқитувчилари жамоаси институт илмий бўлим бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор Қодиржон Исмоилович Рўзиевга отаси **Исмоилжон РЎЗИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси «Меҳнат» нашриётининг директори **Эркин ВОЙСИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси жамоаси «Меҳнат» нашриётининг директори **Эркин Бойсинович ВОЙСИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзмаишийтехсоз» республика концерни жамоаси Самарқанд «Вилоятмаиший-техсоз» фирмаси бошлиғи К. Ҳалимовга укаси **НАИМ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирвохид МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулахмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев, навбатчи — И. Худойров.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—441. 97246 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 22.00.
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5 6